

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2. Янв чiqиши.
22 ФЕВРАЛЬ 1967 й.
ЧОРШАНБА.
№ 45 (200).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



Еш инженер Мурод Ешонов Тошкент пилла-нашлик комбинатининг ишчан мастерларидан. У бундан уч йил муадамда тўқимачилик институтини тамомлаб, шу корхонада мастер-инженер вазифасида ишламоқда. У бошқини қилаётган смена ишчилари мунтазам равишда ўз смена топшириқларини ортиги билан адо этиб, аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаради.

Суратда: Мурод Ешонов.

Хўрандалар ғамида

Чилонзор районидagi хўрандаларга Фрунзе, Куйбисhev, Ленин, Октябрь районлари ошқоналар трестли хизмат кўрсатишар эди. Ииров районидagi ошқоналар эса Куйбисhev ва Октябрь район ошқоналар трестларига қарашли эди. Эндикда пойтахтда яна йилда ошқоналар трестли ташкил этилди. Бу трестлар хўжалик ҳисобидa бўлиб, ўзининг массалиқ тайёрлаш ба-заларига эга.

Чилонзор район ошқоналар трестига В. Ирисов, Ииров район ошқоналар трестига Х. Каримовлар директор қилиб тайинландилар. Бу ички трестнинг ташкил қилиниши ҳар ички районда умумий овиқтаниш муассасалари равиши ички янада яқинлашди. Хўрандаларга намунали хизмат кўрсатиш имконини беради.

Пойтахт бунёдкорлари

ХАРБИЙ ҚУРУВЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

Тошкент эндиликнинг биринчи кунлари даёқ Туркистон Ҳарбий округининг жангчилари енг шимариб ишга киришдилар. Ҳарбий қурувчилар йўлдош шаҳар — Сергеевда турар-жой бинолари, маданий-маърифий, маъмурий бинолар бошқариш ишларида катта нуч қўйиб кўрсатишмоқда. Ҳарбийлар кучи ва маънаби билан пойтахтнинг жанубида қисқа вақт ичида янги турар-жой массиви бунёд этилди. Бу массив

МЕДИКЛАР СЕМИНАР КЕНГАШИ

Бугун «Глава шкент-строй»нинг мажлислар залидa Тошкент шаҳридаги медицина муассасалари хузурида тузилган «Билим» жамияти бошланғич ташкилотлари раислари ва секретарларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Семинар-кенгашда КПСС XXIII съезди материалларини ва қарорларини пропаган- да қилиш ҳамда Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги байрамга тайёргарлик соҳасидаги вазифалар ҳақида шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудирини Н. Абдурахмонов, турмуш маданияти тўғрисида шаҳар солиқни сақлаш бўлимининг мудирини Р. Қодиров, аҳолининг яшаб турган жойда медицина билми-ятини пропаганда қилиш тўғрисида «Билим» жамияти медицина секциясининг раиси Х. Дарер сўзладилар. Семинар-кенгаш қатнашчилари аҳоли ўртасида медицина билми-ятини пропаганда қилиш шакллари ва усуллари тўғрисида тажриба алмашдилар.

Биринчи шаҳар конференцияси

Бугун темир йўлчилар маданият саройида ДО-СААФ шаҳар ташкилотининг биринчи конференцияси бўлиб ўтди. ДОСААФ бошланғич ва район ташкилотларининг иши ҳақида ватанпарварлик ташкилоти шаҳар комитети ташкилий бюросининг раиси П. Комиссаров доклад қилди.



Н. Горгина, «Ташгострой» трестига қарашли Асфальт бетон заводи нефтини қайта ишлаш участкасининг илгор операторларидан биридир. У янгида кўп йиллик самарали меҳнати учун «Хурмат Белгиси» ордени билан мунофотланди. Суратда: оператор Н. Горгина.

Чилонзорда

БРИГАДИР

Чилонзор массивининг «Д-16» кварталда 240 ўринли бола-лар комбинати қури-лиши тугай, деб қўшти. — Бу бинони, — дейди ҳамроҳимиз 153-трест, 1-қурилиш бошқармасининг прораби Вилла Загоревна, — Раҳим Назаров бошлиқ комплекс бригада қурувчилари ниҳоясига етказишмоқда. Брига-да асосан 200 ўринли туғруқхона биносини қуришмоқда. Вилла Раҳим ана участкаси томон йўл олдиқ. У ерда иш ая-жида. Бригадининг ўзи бир гурупа қурувчилар билан брига-дада бино зиналарини ўрнаётган экан. Назаров бригадининг юбилей йилида қилди-ган ишлари ҳақида ҳик-оя қилди.

— Бу йилги илти-миз катта. Коллектив-мизнинг мақсади — бо-лар комбинати билан туғруқхона иккинчи кварталнинг охиригача ишга туширишдир. Бундан ташқари Улуғ Октябрь байрамингача 800 ўринли кинотеатр биносини ҳам қойла-нишга топшириш мажбуриятини олган-миз. Шу билан бирга материалларни тежаб-тергаб сарфлаш, йил охиригача бир неча минг донга гишт, тахта, бетон ва қурилиш ма-териалларини тежаб қилишга аҳд қилдик.

Ҳа, дондор бинокор Раҳим Назаров энди-гина 30 баҳорини кўр-ган бўлса ҳам, ўн йил-лик тажрибига эга. Шу йиллар давомида қан-чадан-қанча турар-жой бинолари бунёд этилди. Р. Назаров бошлиқ комплекс бригада 1962 йилдан бери хўжалик ҳисоби асосида меҳнат қилиб, давлатнинг не-ча минг сўмлаб маб-лагини тежаб қолди.

Партия ва ҳукумати-миз Раҳим аканинг меҳнатини тақдирлаб, «Хурмат белгиси» ор-дени билан мунофот-лади. Бу Р. Назаров бошлиқ бригада аъзо-ларининг меҳнатига бе-рилган баҳодир. И. ИСМОИЛОВ.

ГИДРОГЕОЛОГЛАР СЕМИНАРИ

СССР Геология ми-нистрлиги бу йил Мос-ква, Ростов-Дон, Тош-кент шаҳарларида гид-рогеологларнинг се-минарларини ўтказиш ҳақида қарор қабул қил-ган эди. Бу семинарлар ҳар учта шаҳарда бош-ланди. Олимларнинг бу кенгашлари гидро-геологик съёмкалари ишлаш методикаси ва талаблари, бўш ётган ерларни ўлаштириш ҳақида сугориш маъ-садларидаги мелнора-ция тадқиқотларини муҳоама қилишга ба-ғишланган.

Тошкентда ўз иш-ни бошлаган семинар икки марта ўтказил-ди. Биринчиси, 2 мартгача давом этади, иккинчиси эса, 5-15 мартда бўлиб ўтди. Улардан 120 дан ор-тиқ гидрогеологлар қатнашдилар. Семи-нара Урта Осиё рес-публикаларидаги геоло-гия министрликлари ва геология бошқарма-ларининг ходимлари та-қлиф қилинган. Семинар қатнашчи-лари Ф. А. Мавлонов, Н. А. Кеңесарин, Н. Н. Хожиев ва бошқа олимларнинг докладла-рини тинглайдилар.

ВЪЕТНАМДАН КЕЛГАН МАКТУБ

Қуйида сизнинг диққатингизга ҳавола этилаёт-ган мактубда ифодаланган дўстликнинг тарихи бир-икки йиллик эмас. Бундан бир неча йил му-қаддам Тошкент иригация ва қишлоқ хўжалиги-ни механизациялаш инженерлари институтига Вьетнам Демократик Республикасидан бир йигит илм олгани келди. Унинг исми — Фан Лей.

Институт ўқитувчилари Фан Лейга рус тилини ўрганишида, билimini оширишида, Диссертация-си устида ишлашда қўлларидан келган ёрдами беришди. Аспирант диссертациясини муваффа-қият билан қўйиб, Ватанига қайтиб кетди. Вьетнамлик ёш олимнинг Тошкентдаги ўстозларига бўл-ган хурмати чексиз. Орадан икки йилдан ортқ вақт ўтган бўлса ҳам, у ўзининг дўстлик туйғу-ларини мактублар орқали ифоделамокда.

«Хурматли Георгий Антонович, — деб ёзибди Фан Лей яқинда ўз ўстозига йўллаган мактубида — Сизнинг талабаларга билим ўргатишдаги гайре-тингиз эслар эканман, ўз ўстизиде янада кўпроқ ишлашга, Ватанимга сароқат билин хизмат кўрсатишга ҳаракат қиламан. Менинг мамлекетим хозирги вақтда машаққат-ли дaмларни бошидан кечирапти. Уруш кун се-

йин шиддатли тус оляпти. Кучимиз борича меҳ-нат қиламиз, курашамиз. Ҳар кун даҳшатли ҳаво жангларини кўрамиз. Узим парчаланган аме-рика самолётининг қолдиқларини йиғиштиришда қатнашдик.

Лаънати уруш мамлакатда халқимизга машақ-қатлар туғдирапти. Лекин бу билан иродамизни бука олмайд.

Хозирги пайтда мен шолени тозалаш ишлари-ни механизациялаш билан шуғулланаман. Сиз-ларнинг бу соҳадаги муваффақиятларингиз ва ўзининг тажрибаларингиз асосида мураккаб машина қуришнинг керак. Бунинг учун шолени тозалашдаги барбанларнинг тишини таксимла-штиришга доир адабиётлар керак бўляпти. Агарде шундай адабиётларни топиб юбора ол-сангиз беҳад хурсанд қилган бўлар эдингиз.

Хат орқали кўп нарсаларни маълум қилишни истардим, афсуски қогоз етимишмайди бизде. Тош-кентлик барча дўстларга саломимни етказсангиз. Сизга энг яхши тилакларини билдирувчи тала-бонгиз. Фан ЛЕЙ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ САХИРАЛАРИ

БИР ДАСТА ГУЛ

Қадрли газетхонлар! Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март яқинлашмоқда. Эзгу одамимизга кўра, бу кун барча гуллар сарасини, дил тўри-да тошган меҳримизни хотин-қиз-ларга, азиз дўгонларимиз ва саф-дошларимизга, меҳрибон оналари-миз, опа-сингилларимизга бахшида эта-миз. «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг 8 март сони хотин-қизлар учун, хотин-қизлар ҳақида, ҳикоя қилади. Бу ҳам ўзига хос гулдас-тадир. Советлар мамлакатиде хотин-қиз-ларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлили-ги аллақачонлароқ таъминланган экан, газетанинг бу сониде йигитлар ҳам бема-лол қатнашчилари мумкин. Бир шарт-миз бор. Фақат хотин-қизлар ҳақида ёзилса кифоя.

Мардона шахримизнинг хотин-қизла-ри қаҳрамони бўлган ҳикоя, лавҳа, очерк, ҳажвия, ҳазил, мақола ва хабар-ларингизни, фотосуратларни редакция-мизга юборинг.

Шундай қилиб, қўлга қалам олинг, дўстлар, дўгоналар. Хат ва хабарларин-гизни 6 мартгача кутамиз.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» газеталарининг редакцияси.

ЮБИЛЕЙ СОВҒАСИ

Студентлар шаҳарчасида яна бир кўркем бино қад кўтарди. Бу уч қаватли ошқона бино-сидир. Ошқонада бир йўла 650 кишининг ов-қатланшига имконият яратилди. Қурилиши 7-қурилиш трестининг 6-бош-қармасидаги Юсуф ака Халидов бошлиқ бри-гада олиб боряпти. — Қисқа вақт ичида иккинчи қаватни кў-тариб қўйишга эришдик, — дейди бригада бошлиги. Темир-бетон устувлар устига қурилаётган ошқона барча қўлайликларга эга бўлади. Студентлар юбилей йилида ана шундай ажойиб совға оладилар.



СУРАТДА: пойтахтимиздаги маънавий хизмат кўрсатиш шаҳар бошқар-маси янча буюртмалар тикувчи биринчи моделлар ательесининг илгор ти-нуви мастери Нури Мухамедова. У шу корхонанинг илгор чеварларидан ҳисобланади. Коммунистик меҳнат зарбдори Нури смена ва ойлик топши-риқларини ортиги билан бажаради.

М. Нуриддинов фотоси.


ФОТОАППАРАТ БИЛАН ОНА-ВАТАН БУЙЛАБ



МОСКВА. СССР Маданият Министрлиги эксперт кенгаши ва архитекту-ра планлаштириш бош бошқармаси шаҳар қурилиш совети бу йил Мос-квада космос баҳодирлари шарафига очилдиган монумент биндаги кос-монавтар хийбони лойиҳасини тадқиқладилар. Ана шу ерга ўрнатилди-ган космонавтар скульптуралари устида РСФСР санъат арбоблари Л. Кербель ва А. Файдиш архитекторлардан М. Баршчем ҳамда А. Колчинлар билан биргаликда иш олиб бормоқда.

СУРАТДА: ҳайкалтарош Л. Кербель Ю. Гагариннинг бронзадан тайёр-ландиған бюстининг ишчи моделини тайёрламоқда.

Н. Грановский фотоси. (ТАСС фотохроникаси).



Тожикистоннинг пойтахти Душанбада янги автовоззал очилди. Бу ердан соат сайин ўнлаб ав-тобус республиканинг турли томонига йўл олади. Шиша ва бетондан барпо этилган янги бинода насса, куттиш зали, алоқа бўлими, буфет, дам олиш хонаси жойлашган. Суратда: Душанбадаги автовоззал биноси.

Р. Поздников фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ТОШКЕНТ РУҲИ БАЙРУТГА

Тошкентнинг саҳий офтоби яна бизга нур соча бошлади. Тош-кент офтоби Ўзбекилар диярида бўлган ҳамда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларини бир-лаштиришга негиз содган учра-шушни ҳаммамизга эслашга ту-рибди. Бас, шундай экан, икки буюк қитъа адибларининг тез орада Чилан пойтахти — Байрут-да очилдиған Учинчи конферен-цияси муваффақиятга Тошкент руҳи ёр бўлишини тилайдик.

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари билан алоқа қилувчи Совет комитетининг 21 февралда Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўт-ган мажлисида машҳур ёзувчи Борис Полевий шу сўзларни айт-ди. Маориф министрлигининг конференциялар залида кўпгина иттифоқдор республикалардан келган атоқли ғалам соҳиблари учрашдилар. Улар Байрут конфе-ренцияси арасидада хозирги вақтда ўнларча мамлакатларнинг икжодор адибларини қизиқтира-ётган проблемаларга ўз муно-сабатларини билдирмоқ учун шу ерга тўпланишган эди. Комитет раиси С. О. Азимов мажлисини очиб, тўпланганларга Африка—Осиё ёзувчиларининг Тошкентда туғилган бирдамлик ҳаракати қандай ривожланиб бо-раётганини, совет адабиёти арбоблари бу ҳаракатга нақадар катта ҳисса қўшаётганлигини гапириб берди.

Байрут конференциясида, деб таъкидлади С. О. Азимов, мурак-каб шароитларда тайёргарлик кўришмоқда. Лекин ёзувчилар ҳар-ракатини тўғри йўлдан тойдириб юборишга уринаётган пенсиялик ёзувчиларнинг ҳаракатларига қарамай, бу ҳаракат ривожланиб ва мустақамланиб боради. Комитетнинг масъул секретари К. А. Чугунов ўз докладыда совет ёзувчилари Байрут учрашувида қандай тайёргарлик кўришган-лигини батафсил гапириб бер-ди. Бу конференцияга Осиё ва Африкадаги 60 мамлакатнинг на-момиядалари, шунингдек бошқа қитъалардаги 15 мамлакат ёзув-

чиларининг вакиллари тақлиф этилган. Байрут учрашувининг ёзувчиларининг профессионал ма-ҳорати масалаларини ва импле-риализм билан янги мустақам-чилигини идеологик агрессияси-га қарши курашда шу ёзувчилар ўйнаши лозим бўлган ролини му-ҳоама қилувчи чинакам анжум-анга айланишга кўмакла-шиш—Совет комитетининг вазифасидир. Мажлис қатнашчилари Осиё ва Африка ёзувчилари Қоҳирадаги доимий бюроси бош секретари-нинг урибосари Мурса Савад-динни қизини табриқладилар. Империялизмга қарши курашда куч тўпланган Осиё ва Африкада-ги миллий адабиётларнинг ривожланиш хуусусиятини тўғриси-да гапириб, Мурса Саваддин бу адабиётлар жаҳон адабиётининг тарихий қисми бўлиб, унга ўзи-нинг мунооиб ҳиссасини қўши-моқ лозим, деб таъкидлади. Бай-рутда бўлақан конференция ўзи-нинг миллий мустақамлигини қўлга киритган халқларнинг бахт-

(ЎЗАТ).

ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ ҲИЛЛА...

Бола тарбиясида комплекс тарбия воситаларидан фойдаланишимиз, унинг эффектив формулаларини ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз зарур. Шу сабабли ҳам «Тошкент оқшоми» саноатчилари айрим ўртоқларидан ўрта мактабларда ва олий ўқув юртиларида махсус ахлоқ дарсини ўқитиш тўғрисидаги фикрларини ўқитиш зарур. Шу сабабли ҳам «Тошкент оқшоми» саноатчилари айрим ўртоқларидан ўрта мактабларда ва олий ўқув юртиларида махсус ахлоқ дарсини ўқитиш тўғрисидаги фикрларини ўқитиш зарур. Шу сабабли ҳам «Тошкент оқшоми» саноатчилари айрим ўртоқларидан ўрта мактабларда ва олий ўқув юртиларида махсус ахлоқ дарсини ўқитиш тўғрисидаги фикрларини ўқитиш зарур.

Ўқитувчи муҳрлаб бериладими? Ўй, бу коллектив тарбия, принциплари, комплекс тарбияни амалга оширишга тўғриватқил. Кези келганда шунини эътиборга олиш керакки, айрим мактабларда ҳамон тарбиянинг маъмуриятчилик формалари ҳукм сурмоқда. Олайки, баъзи бир мактабларда дирекция бўйича билан синф раҳбарлари ҳафталик биринчи кунда 6 дарсадан кейин ўқувчиларни синфда олиб қилиб 45 минутлик «тарбия соати» олиб борадилар. Шу 6 соатлик дарсдан кейин синф раҳбарларининг ўқувчилар билан олиб борган махсус «тарбиявий соат» деб аталувчи тадбир ҳақиқатдан эффектив натижа берадими ёки фақат протокол ва маъмуриятчилик учун ўтказиладими? Сўнгги вақтларда таъ-

лим-тарбия бирлиги масаласига ҳалқ маорифининг энг ақтуал масалаларидан деб қаралаётганда. Бу албатта айни муддао, энг зарур талаб. Чунки, фаралардан яхши ўзлаштирилган ўқувчи ҳар доим ахлоқдан камол топган бўлавермайди. Бу эса ўқитувчидан таълим-тарбияни ягона процесда амалга ошириш боришини тақозо этади. Афсуски, бу муҳим масалани амалга оширишда ҳам кўпчилик илгор совет педагогикаси томонидан ишлаб чиқилган эффектив метод ва приемлар «усули билан эмас, яна маъмуриятчилик йўли билан «амалга ошириш» тенденциялари кўзга ташланади. Мактаб раҳбарлари, айрим ҳолда ҳатто ҳалқ маорифининг юқори органларидан айрим ҳодимлар ўқитувчининг ҳар бир дарсида унинг темасининг номи ва характеридан қатъий назар, ўқувчиларга атеистик, этик, эстетик, со-

вет ватанпарварлиги, пролетар интернационализм руҳида тарбиялашда албатта ўзла материалларидан фойдаланиш каби масалаларни талаб қиладилар. Шу йўсинда талабни амалга оширишда махсус буюртма билан амалга оширамиз деб сохталаштириб юборади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ҳамма дарста тайёрларлик кўришда теманинг моҳияти жиҳатидан индивидуал ёндаш, темани баён қилиш процесиди, қачон, қайси ўрinda тарбиянинг қайси бир соҳасини қандай амалга оширишни ўзига ялғарилини аниқлаб олмоғи керак. Фикримизча, бу метод тарбия жиҳатидан кўпроқ самара беради.

Комплекс тарбия тўғрисида фикр юритар ағамиз, унинг заманини коммунистик ахлоқ ташкил этишини, коммунистик ахлоқ эса кишилик жамияти томонидан тарбия давомида ишлаб чиқилган ва социализм шароитида камол топиб бораётган энг прогрессив ҳулқ нормаларини ўз ичига олган кўп қиррали принцип ақлини назарда тутимоқ керак. Ҳар бир педагог ҳар бир дарсада коммунистик ахлоқнинг бирон элементини бўлса ҳам ўқувчиларга таъсирчан формада сингдиришса, тарбия процесиди ўқувчиларнинг ёши, умумий тайёрликлари, ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусияти ва тарбияни амалга оширишда таъсир этувчи бошқа факторларини назарда тутса, ўз талабалариди коммунистик ахлоқ нормаларини шакллантиришга натта ҳисса қўшиши мумкин.

Тарбия масаласини «Ихтисослаштириб» бўлмади. Айрим мактабларда ўқувчиларнинг меҳнат тарбиясига натта эътибор берилади, бошқасида жисмоний тарбия, яна биттасида интернационал тарбия яхши ўзла қўйилди ва ҳоказо. Бироқ шуларнинг ичиди олайки, коммунистик тарбиянинг ақралмас қисми атеистик тарбияга эътибор берилмади, ёки эстетик тарбия эътибордан четда қолди. Бундай ҳолда биз коммунистик тарбияни комплекс равишда амалга оширолмади бўлади. Совет давлати, коммунистик партия бизни ёш авлодини ҳамма жиҳатиди гармоник ривожлантиришни тоширчан экан ва бунинг учун зарур шароитлар яратиб берилган экан, мактаб ва бутун жамоатчилик шу имкониятлардан рационал фойдаланиб, ёшларни ҳамма жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашга, уларни коммунизм қурувчилари қилиб етиштиришга эришмоғи лозим.

Т. ТОШҲУЛАТОВ, педагог.

Барақа - тежамда

Тошкентдаги 1-пояфзал фабрикаси ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари Ярославдаги «Северод» кўн-пояфзал бирдаришмаси корхоналари ва «Таштентильмаш» заводи коллективини таъшиббусларига қўшилиб, Улуғ Октябрьнинг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақани қизитмоқдалар.

Шимча резервлари қидириб топил ва уни ишга солиш учун тинмай курашмоқда. Бунинг уларнинг ўтган йилги иш якуналаридан ҳам кўриш мумкин. Цех коллективини беш йилликнинг биринчи йилида тежалган 71539 квадрат диметр чармдан 7153 муфт пояфзал ишлаб чиқаришга муваффақ бўдилар.

Хозир 2-цех коллектив «Улуғ Октябрь» 50 йиллиги» деган шарафли номини олиш учун меҳнат вахтисиди туриб меҳнат қилмоқда.

Фабрика рационализаторлари янги иш усулларини ишлаб чиқаришга жорий этиш устиди иш олиб бормоқдалар. Янгида фабриканинг Милана Архипова бошчилик қилаётган 3-тўқувчилик цехида хотин-қизлар учун пошнали «Лодичка» номли янги модель пояфзал ишлаб чиқаришга жорий этилди. Пояфзалларнинг бу янги модели ҳозирга қадар фабрикада ишлаб чиқарилмаганди. Харидорлар учун шу моделдаги пояфзаллар 12 минг муфт ишлаб чиқариш йўлида шу кунларда фидокорона меҳнат қилинган.



Тошкент чинни заводининг коллектив Улуғ Октябрьнинг 50 йиллиги шарафига 280 минг муфтлик сувенир буюмлар ишлаб чиқаришга аҳд қилган.



Янгида Сергелида янги поликлиника фойдаланишга топширилди. Поликлиника коллективини беш шахар аҳолисига намунали медицина хизмати кўрсатаётди.

Сурата: терапия бўлимининг врач В. Ковшова қабул ўтказмоқда. У ҳам Сергелига Тошкентдан кўчиб келган. М. Нуриддинов фотоси.

ТОШ ҚЎЛЁЗМА

Қўлёзма... Бехитер кўз олдингизга зар билан безатилган оғир пергамент вақфлар, ярим қоронгу сеҳрли хона узоқ ўтмишининг сирлари ва жумбоқларини ечаолмайдиган сочлари оқарган киши келади.

Ахрор Мухторов шарқнинг ўрта аср тарихини яхши билиши билан танилган ёш тожик тарихшуноси. Унинг кабинетини деворлари Зарафшон водийсининг қишлоқлари ва даралари бўйлаб бир неча юз километрга чўзилган. Қоғалар ва харсанлар Ахрор Мухторовга вақт ўтиши билан сарғайиб кетган қўлёзма хизматини ўтайдилар. У бу қоя ва харсанларнинг топилган ва ундаги ёзувларини ўқишга муваффақ бўлди.

Эски қишлоқларнинг четларидан топилган олти тошдаги ёзувлардан олми Бобир биографиясида маълум бўлмаган юқориди фактларни аниқлашга эришди. Ёзувнинг баъзи хусусияти ва авторлик имзои билан таърихшунос бу Бобирнинг ўз қўли билан ўйиб ёзилган деган хулосага эришди. («Бобирнома»да шонир фақат бир ёзув ҳақида эслабди ўтади).

Бобирнинг Зарафшон эпиграфикаси бўлакан ҳинд шохининг мерос шахри бўлган Самарқанд ва Фарғонани қайтиб олишга бўлган ишончининг бутунлай йўқолганини, чуқур умидсизлигини ақс этиради. Умидсизлик ва аламлар Бобирнинг булук лири шонирлар Саъдий, Хофизларнинг кўрликларига боғлан мисралариди янқ қол қўрилади. Бу сатрлар кучли талант ва маҳорат эгаси бўлган Бобирнинг «Бобирнома»сининг ва чигатой тилига (ёсиё Ўбек тили) асос солган бошқа ориентал шетларнинг юзага келишида натта таъсир қўрсатди.


ФЕВРАЛЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ

руҳ билан кутиб олдилар. Революцион қўшиқлар айтдилар, намойишлар уюштирдилар. Тошкентда 1917 йил 5 мартда шахар ишчиларининг катта митинги ва намойиш бўлиб ўтди. Шу кун эрталабданок воқеалар бойдонга темир йўлчилар, шахардаги бошқа корхоналарнинг ишчилари тўплана бошладилар. Намойишчилар «Яшасин ишчи-депутатларнинг Советлари!», «Яшасин озолик ва санксиз соатлик иш кунин!» широрлари эзилган қизил алвонларни кўтариб ўтдилар. «Марсельеза» ва «Варшавянка» ҳамда бошқа революцион қўшиқларини айтдилар.

Улар шу тарихи Собор майдонига (ҳозирги В. И. Ленин номи майдон) томон йўл олдилар. Бу ерда катта митинг бўлиб ўтди. Митингда шахар меҳнатнашларининг вакиллари шу жумладан эски шахар меҳнатнашларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Уларнинг ҳаммаси февраль революциясининг галабаси билан бир бирларини табриқладилар.

Уш кунларда февраль воқеаларидан руҳланган Туркистон ўлкасининг бошқа шахарларидида революцион кучлар ҳам ишчи ва солдат депутатларининг Советларини вужудга келтирдилар.

Дастлабки ана шундай Совет ўлканинг итисодий, сиёсий ва маданий маркази Тошкентда вужудга келди. Биринчи Советнинг ташкилотчилари темир йўлчилар бўлиди.



22 ФЕВРАЛЬ, 1966 Й.

ТОШКЕНТ МАКТУБЛАРИ

Болага оиласидан жой берган. Уларни боқиб, тарбиялаб, ўқитган эди. Мана ҳозир, аҳоли бошига ташвиш тушган кунларда у энди ўзи, воқеа етган фарзандлари билан бошланасида қолган оилаларга ўз уйдан, фарзандларининг уйдан жой берди. У «Тошкентликлар, болаларини! «сарлавхали мақоласида ҳамшаҳарларини ўзидан ўрнат олишга чақирди.

Мақола «Правда Востока»да босилди. Уша кунини Қурбон ота редакцияга кўнриқ қилди. «Нега Шомоҳамудов ҳақида ёзиб, мен ҳақида ёзмайсизлар? Мен ҳам отаманку! Менингга ётқонхонадан қизлар келишган...»

Кўрдингизми? Фалонат оқ берган лайдта ота ҳеч нарсаи ўйламай-нетмай қизларни уйига олиб берган, бу иш ирок амри билан қилган эди. Энди бу «ҳаракат» оммавий тус олганда у ҳам ўзи ҳақида ёзишларини истайди.

Бундан хабар топган шахар оператор Малик Қаймов аппаратларини кўтариб, тежда Улар тупнига етиб борди. Шундан кейингига камтар Қурбон отанинг аjoyиб ҳаёт йўли бошқаларга маълум бўлди. Қурбон бобо Бекмуҳамедов граждандар урушининг иштирокчиси, чапасчи экан. Сиз бирон вақт ўзбекларнинг «ҳашар» деган сўзини эшитганмисиз? Бу жуда қадимий, лекин сира эсимрайди. ган, ўлмайдиган сўз. Уни тарихида қилиш ҳам мумкин эмас, қачна урнисангиз ҳам тула матносини бериш қийин. Илгари замонларда ҳам зилила ёки бошқа бирор филолог юз бердими—кишилар тўдалашиб, оёқдан зарар қўрган хонадонга ҳашарга боришган. Виргалашиб ўй қуришган. Кўп кўриларган, бошқа катта ишлар ҳам ҳашар йўли билан бажарилган.

